

11-дарс: Нутқни тайёрлаш, тартиблаш

11:45 / 18.04.2017 3402

1. Илмий асослар.

2. Қўшимча маълумотлар.

Ваъзни ташкил этилишида қайси фанга тегишли бўлишидан қатъи назар илмий асосларни иштироки лозим. Масалан: жўғрофия, психология, жамиятшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар ёки шеър, луғат каби адабий фанлардан олинган маълумотлар ҳам нутқнинг таъсирли бўлишида ўзига яраша омил ҳисоблансада, муқаддас динимизнинг асосини ташкил қилувчи тафсир ва ҳадис илмлари, мусулмонларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган фикр ва муомала фанлари, юксак фасоҳат ва балоғат соҳиби бўлган Қуръони каримнинг мўъжизавий сирларини очиб берувчи балоғат (маъоний, баён, бадиъ) илмларидан ваъзнинг асосларини тўплашлик, уни муваффақиятли чиқишига сабаб бўладиган сирлардан биридир. Бу маълумотларни тўплагандан сўнг булар билан жамоатга қандай фойда келтиришлик ҳақида ўйлашлик лозимдир. Хутбани (ваъзни) муваффақиятли бўлишлиги учун мавзуни тайин қилгандан сўнг уни тартиблаш керак бўлади.

Қўшимча маълумотлар

Нотиқни инсонларга тақдим қилаётган нутқи ютуққа эришмоқлиги учун, эҳтиётий (қўшимча) маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Лекин кўп воизлар хутбаларини тайёрлаётган вақтда, дангасалик қилиб танлаган мавзусига хос бўлган озгина маълумот билан чекланадилар.